

Ёшларга  
томорқа ерлар  
тақсимлаб  
берилмоқда



**КАТТА СУМКА**  
**ОСТИДАГИ КИЧИК**  
**ЖУССАЛАР**



**УСМОНИЙЛАР**  
**империяси асосчиси**

2001-yil fevral oyidan  
chiqa boshlagan

**Buyuk kelajakni birga quramiz!**

# БУХОРО ҲОШИЛАРИ

2024-YIL,  
APREL, № 7-8  
(517-518)

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy, adabiy-badiiy gazeta



## ДХХ КУБОГИ мусобақалари бошланди

Бухоро ва Когон шаҳрида ДХХ кубоги мусобақасининг маҳалла босқичи учун қуръа ташланди

Бухоро вилоятида спортнинг футбол ва мини-футбол тури бўйича ДХХ кубоги мусобақалари бошлаб юборилди.

Мусобақада шаҳар ҳокимликлари, ёшлар ишлари агентлиги ҳамда мутасадди ташкилот ходимлари иштирок этди.

Мусобақа уч босқичда 1-босқич. Туман, шаҳар саралаш мусобақалари: апрель-май ойларида, 2 - босқич. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар бўйича саралаш мусобақалари: июнь-июль ойларида, 3 - босқич. Республика бўйича финал мусобақалари: август ойида бўлиб ўтади.

16 ёшдан - 30 ёшгача бўлган ўғил болалар футбол ва мини-футбол, қизлар эса мини-футбол бўйича ДХХ кубогидан иштирок этишлари мумкин.



## “Мутолаа”

# 150 000 +

Ёшлар ишлари агентлиги китобга қизиқувчан, мутолаага чўққини забт этишдек шайланган алпинист каби ёндашишни мақсад қилган, зукко, китобхон ёшлар учун “Мутолаа” лойиҳасини йўлга қўйган эди. Лойиҳа қисқа вақт давомида катта маррани забт этди.

“Мутолаа” лойиҳаси иловасини юклар олишлар сони 150000 мингдан ошди. Иловадаги аудио китоблар - 208 та, электрон китоблар - 221 тани ташкил этмоқда.

Дарвоқе, лойиҳа доирасида “Қўрқма” асари кино-китоб шаклида тақдим этилди.

“Мутолаа” - энг сара китобларнинг электрон, аудио ҳамда видео шаклидаги сифатли ва тизимли платформаси! Ундаги асарларни фақат ўқиманг - ўқинг, эшитманг - тингланг!

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ДОИРАСИДАН ТАШҚАРИДА ЮРГАН ОДАМЛАР ТАШҚАРИДА ЮРГАН ОДАМЛАР ТАШҚАРИДА ЮРГАН ОДАМЛАР

Биз ҳар жабҳада бошқаларга тақлид қилишга, уларнинг маданиятини, тилини, услубини айнан ўхшатишга, кўчиришга ҳаракат қиламиз. Чет сўзларни қўшиб гапирганлар “мода”да, брендида хориз сўзларидан ном топиб қўйганларнинг бозори чаққон. Шу ҳақда ўйларканман, Абдулла Ориповнинг шу сатрлари ёдимга келади:

“Она тилим, сен борсан шаксиз,  
Булбул куйин шеърга соламан.  
Сен йўқолган кунинг шубҳасиз,  
Мен ҳам тўпти бўлиб қоламан”

Иш, ўқиш юзасидан деярли, барча ҳудудларда бўламан. Шаҳар маркази, бозорлар атрофи, одамлар гавжум жойларда ўзимни бошқа бир давлатга тушиб қолгандек ҳис қиламан. Негаки, дуч келадиган барча брендлар

## ёхуд “ТИЛНИ БУЗИШ “ТРЕНД”И

ёки реклама афишалари чет тилларда номланган.

Бир кун “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” китобини излаб, Чорсуга отландим. Университетдан автобус бекатигача “Мах Вай”, “Среам стор”, “Ориент Ҳоусе”, “Сосиалс”, “Интернацион”, “Маке уп”, “Бистро кафе” каби жим-жимдор номларни ўқиб, хайратландим.

Автобуста чиқиб, жой қидираётган бир пайтда автобус пештахтасида пайдо бўлган “следующая остановка” сўзи хаёлимни ўтирлади.

Тенгқурларимга қараб, ўзимни баъзида замондан орқада қолгандек тасаввур қиламан, яъни улар тилида айтганда “тренд” да бўлиб, чет сўзларни



қўшиб гапиролмайман. Аслида, бу замонавийликмикан? Йўқ! Турли тиллардаги сўзларни қўшиб гапириш саводсизлик ва

маданиятсизликнинг намоиши бўлса керак.

Хаёлларимни жамлай олмаётган бир пайтда, теле-

фонимга келган “хушхабар”, мени янада хайратда қолдирди. Бир ташкилотта юборган иш сўровномам қайтарилибди. Бунга асос қилиб эса рус тилини мукамал билиш шартлиги, ўзбек тили муҳим эмаслиги келтирилган.

Яна ўша оғрикли “давлат тилимиз ўзи қайси тил?” деган савол мени ўз домига тортиб кетди...

Атрофга назар ташласак, кимдир мактабда фақат рус синфлари борлиги, ўзбек тили ўқитилмаслиги билан мақтанади. Бошқаси ўзбек тилида гапирмаслиги билан фахрланса, русчани билмайдиганлар ўзбекча гапиришидан уялиб юрибди. Ҳамма хизмат кўрсатиш доирасидан ташқарида. Қачон бу ҳолга келдик ўзи?! Нима учун ўз она тилимиздан уяламиз, ундан ор қиламиз?

Ўзликдан, она тилидан уяладиган инсонни ўз онасидан ор қиладиган, ҳурмат қилмайдиган ва унинг фарзанди эканидан афсус қиладиганларга қиёслаш мумкин.

Райҳона Тўхтаева



## БУХОРОДА 2024 ЙИЛДА ТИББИЁТ СОҲАСИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР:

“Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” давлат дастурида 2024 йилда вилоятда тиббиёт соҳасида куйидаги вазифалар белгиланган:

- \* 6-23 ойлик бўлган 62,6 минг нафар болалар мик-

ронутриент кукуни билан бепул таъминланади;

- \* 2-10 ёшли 338 минг нафар болаларда гелиминтоз бўйича скрининглар ўтказилади ва дори препаратлари билан бепул таъминланади;
- \* 3-18 ёшгача бўлган

520 минг нафар болалар ўртасида гематоонкологик скрининглар ўтказилади.

Ушбу хизматлардан фойдаланиш учун худудлардаги оилавий поликлиникаларга мурожаат қилиш мумкин.

## УМИДА - ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ЙЎЛЛАМА ОЛДИ



Умида Саъдуллаева Бухоро шаҳридаги 17-умумий ўрта таълим мактабида таҳсил олади. Дарсдан бўш вақтларида эса спортнинг самбо тури билан шуғулланади. Бу борада анчагина маҳоратга эга бўлган Умиданинг эътирофи этувчи натижалари бор.

- Болалигимдан спортга жуда қизиққанман. Самбо спорт турини ўрганишимга онажоним сабабчи булганлар. Улар сабаб бутун бир қанча ютуқларга эришмоқдаман. Бу ютуқлар, фақат менинг ютуқларим эмас, менга ишонч билдирган устозларим, ота-онамнинг, ҳар дам ёнимда туриб, мени қўллаб-қувватлаб турган барча яқинларимнинг ҳам ютуғидир, — дейди Умида.

Яқинда у Хоразм вилоятида ўсмирлар ва ўсмир қизлар ўртасида ўтказилган республика мусобақасида муваффақиятли иштирок этиб, ўз вазн тоифасида чемпионликни қўлга киритди.

Эндиликда у Қозоғистон Республикасида бўлиб ўтадиган Осиё ва Кипр давлатида ўтказиладиган жаҳон чемпионатларида иштирок этиб, мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

Умидага жаҳон чемпионати ўйинларида ҳам ғолиб бўлиб, унинг шохсупаларида байроғимизни даст туттишига ва юрт қорига ярайдиган инсон бўлиб етишишига ишонамиз ва умидли спортчимизга омад тилаб қоламиз!

## Бухоро ҳокими ўқишдан четлатилган ёшни талабалар сафига қайтарди

- Мен айрим сабаблар билан талабалар сафидан четлаштирилганман. Аммо, ўқишни қайта тиклашда жуда кўп муаммоларга дуч келмоқдаман. Ўқишга ва ўқишимни тиклашга ҳақлиман. Шу борада кўмагингизга муҳтожман, -дея “Ҳоким ва ёшлар” учрашувида минбарга отилган ёшнинг дарди тингланди. Вилоят ҳокими масъулларга бу ёшнинг масаласини жойида ҳал қилиб бериш бўйича қатъий топшириқ берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон-2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли

иқтисодий муаммолари, қизиқиш ва иқтидорлари тўлиқ ўрганиб чиқилди. Ўрганиш натижаларига кўра, “Ёшлар баланси” электрон платформаси шакллантирилиб, ушбу платформа орқали ёшларнинг бандлиги, ижтимоий ҳолати ҳамда қизиқиш ва иқтидорларидан келиб чиққан ҳолда “яшил”, “сарик” ва “қизил” тоифага ажратилди.

Бухоро вилояти ҳокими Ботир Зарипов Бухоро шаҳридаги Ёшлар марказида ўзига бириктирилган ёшлар билан мулоқот қилди. Мулоқот давомида ёшлар ўзларини қизиқтирган ва қийнаётган муаммо ҳамда тақлифлар билан вилоят раҳбарига юзланишди. Кўплаб ёшларнинг муаммолари жойида ҳал қилинди. 2 нафар ёш иш билан таъминланди, 1 нафар ёшга имтиёзли кредит ажратилиб, 1 нафарига кредит ажратиш кўзда тутилди, 1 нафар ёшга тикув машинаси олиб берилди, 1

## РАНБАР ВА YOSHLAR UCHRASHUVI



топшириқ хатига асосан “Ёшлар баланси” асосида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат иштирокидаги корхона ва ташкилотлар ҳамда олий таълим муассасалари раҳбарларига “оғир” тоифадаги, шунингдек, истеъдодли ва иқтидорли ёшларни номма-ном бириктириш белгиланган.

Вилоятда 2024 йилда ёшлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш мақсадида маҳаллалардаги ёшлар етакчилари томонидан 460 мингдан ортиқ 14-30 ёшдаги ёшларнинг “фуқаробай хатлов” қилиш орқали ижтимоий-

нафарга 4,5 млн сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди, 1 нафарга ёшга эса контракт пуллари жойида тўлаб берилди. 1 нафар ёшга уй-жой таъмири учун кўмаклашилди. Ҳар бир ёшнинг масаласи индивидуал тингланди. Уларни ҳал қилиш бўйича масъулларга тегишли кўрсатма ва топшириқлар бериб, шахсан ўз назоратига олди.

- Олийгоҳдаги ўқишим шу куннинг ўзиде қайта тиклаб берилди. Вилоят раҳбариятига миннатдорлик билдираман! - деди яна талабалик шарафига эга бўлган ёш ийпит.

## СПОРТЧИ, МОБИЛОГРАФ ВА ПОЛИГЛОТ ҚИЗ

6 та тилда эркин гаплаша оладиган, мобилографлик ортидан ойида 800 доллар даромад топаётган ва спорт чемпиони бўлган бухоролик иқтидорли қиз Райҳон Пулатова Бухоро шаҳридаги 31-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синфида таҳсил олади.

Райҳон хорижий тилни ўрганишни илк боғча ёшидан бошлаган. Онаси инглиз тили фани ўқитувчиси бўлганлиги туфайли ҳам оиладаги муҳит бунга қатта таъсир кўрсатган. Дастлаб инглиз тилини, кейинчалик рус, корейс, хитой тилларини ҳам чуқур ўзлаштиришга киришган. Аини пайтда Райҳон 6 та тилда бемалол мулоқот қила олади. Эндиликда у араб ва француз тилларини ўрганишни режа қилган.

- Тил ўрганиш – мен учун энг қизиқарли машғулот. Кўплаб дунё тилларини ўргани ўша халқнинг маданияти ва тарихидан ҳам боҳабар қилади. Қолаверса, кишининг фикрлаш қобилияти ўсади, - дейди Райҳон, - Тил ўрганиш дунё билан мулоқот қилиш имкониятини яратиш баробарида хотирани ҳам мустаҳкамлайди. Келажакда ойижоним сингари инглиз тили фани ўқитувчиси бўлишни мақсад қилганман.

Райҳон спортнинг бадий гимнастика ва шахмат турлари билан ҳам шуғулланиб келади. Бу йўналишда бир неча бор вилоят ҳамда республика чемпионатларида ғолибликни қўлга киритган.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Райҳон яхшигина мобилограф ва СММ мутахассиси ҳамдир.



- Менинг бу йўналишга қизиқишим 7-синфлигимдан бошланган, дейди суҳбатдош, - ўшанда кўзимга чиройли кўринган нарсаларни расм ва видеога олиб, мустақил монтаж қилардим. Кейинчалик қизиқишларим кучайиб, мутахассислик курсларига қатнаб, бу соҳани чуқур ўрганганим. Ҳозирда ойлик даромадим 800 долларни ташкил этади. Тендошларимга тавсиям шуки, имкон бориде ўқиб, ўз қизиқишлари устида ишласинлар ва ҳеч қачон ўз мақсадларидан чекинмасинлар, - дейди.

Ҳа, дунёда имконсиз нарсанинг ўзи йўқ. Ўқиш, изланиш орқали ҳаммасига эришса бўлади!

Моҳинур Орзиева,  
Бухоро давлат университети  
1-босқич талабаси.

## ЁШЛАРГА ТОМОРҚА ЕРЛАР ТАҚСИМЛАБ БЕРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 5 апрелида “Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган.

Қарорга мувофиқ, Шофиркон туманида бу борада амалий ишга киришилган. Жумладан, 1-секторга қарашли маҳаллаларда истиқомат қилувчи 394 нафар ёшга ҳозирда 95,7 гектар, 2-секторга қарашли маҳалла ва қишлоқларда яшовчи 529 нафар ёшга 123,4 гектар, 3-секторда истиқомат қилаётган маҳаллалардан сараланган 677 нафар ёшга 171,9 гектар, 4-сектордаги худудда яшовчи жами 507 нафар ёшга умумий майдони 111,9 гектар ер майдони имтиёзли тартибда тақсимлаб берилмоқда.

Туман ҳокими Алишер Файзуллаев бошчилигидаги мутасаддилар Чандир ва Хорин маҳаллаларида бўлиб, ёшларга ер майдони ажратиш бериш жараёнини ташкиллаштиришди.

Чандирлик Бекзод Исмоилов оиланинг ягона боқувчиси. Бир неча йилдирки, Россияга қатнаб ишлаб келади. Оиласи бағрига қайтган Бекзод яқинлари ёнида, ўз юртида меҳнат қилиб даро-



мад топиш истагида томорқа ери олиб, унда ишлаш истагини билдирган. Ҳокоридаги қарор талабидан келиб чиқиб Бекзод ҳам бу имкониятдан бебаҳра қолмади ва аукцион савдосида ғолиб бўлиб 12 сотих ерни ўз тасарруфига олди.

Шофиркон худудидаги “Ал-помини” фермер хўжалигидан 2,6 гектар ер майдони туман заҳирасига қайтарилгани маҳаллада яшовчи 21 нафар эҳтиёжман оилаларнинг меҳнатга лаёқатли фарзандларига 10-12 сотих атрофида ер тақсимлаб берилди. Эндиликда мазкур ерда рўзгор учун зарур сабзавот, полиз маҳсулотлари ва дуккакли экинлар экиб етиштириш ҳар бир оила ўз эҳтиёжига яраша даромад топиш имконияти яратилмоқда.

“Қодиров Қосимбобо” фермер хўжалиги тасарруфига бўлган ва ҳозирда Умрзоқ Қаюмов ҳамда унинг турмуш ўртоғи Гуланор Нутфуллаева ҳам ўзларига ажратилган 45 сотихли ер майдонида қовоқ экиб, уч ойлик меҳнатдан сўнг 20 миллион сўмдан ортиқ даромад олиб, деҳқончиликни ривожлантиришни мўлжаллашмоқда.

Шунингдек, Қоровулдзор тумани ҳамда Бухоро шаҳридаги ишсиз, кам даромадли, миграциядан қайтган ёшларга ҳам сува қулай, унумдор ва аҳолига яқин жойлардан ер майдонлари ажратиш берилмоқда. Хусусан, “Тинчлик”, “Чўлқувар”, “Навбахор” ҳамда “Жарқоқ” маҳалласидаги 90 дан ортиқ ёшларга 50 сотихдан ер майдонлари ажратиш берилди.

Когондаги 1-жазони ижро этиш калониясида жазо муддатини ўтаётган 23 нафар маҳбус Президентимизнинг фармони асосида авф этилди. Уларнинг чин кўнгилдан пушаймонлиги инобатга олиниб, тузалиш йўлига қатъий ўтгани сабаб яна бир имконият тақдим қилинди.

Бугун улар кўзидаги қувонч шундай бағрикенг юртда яшаётганига шукроналик ҳисларига қоришиб кетган. Бу фуқароларнинг ҳар бири ҳали қамоқда яна икки йил ва ундан кўпроқ муддат шу панжаралар ортида қолишга мажбур эди. Аммо ижтимоий давлатда улар кечирилди ва яна жамиятда ўз ўрнини топиш учун навбатдаги қадамни ташламоқда. Бундай инсонпарварлик тамойили, айниқса, ота-оналар учун катта туҳфа бўлди.

23 нафар жазодан озод этилганларнинг ҳар бири тонни талқон қилгудек кучга, қувватга эга. Уларнинг ҳар бири катта мақсадлар сари йўлга отлангану, маълум сабаблар билан алдовларга

10 дан ортиқ фуқаронинг жазо муддати қисқартирилди.

Бахтиёр Ғуломовнинг ёши 60 ни қоралаб қолди. Ўтган йили нима бўлди-ю оғуфурушлар гирдобига тушиб қолган оила сардори нафс исканжасига тушиб, йўлдан адашди. Фарзанду неваралар соғинчи қалбини ўртади, аср билан тенгдош онасини ўйлаб тунларни тонларга улади. Қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган Бахтиёр Ғуломов давлатимиз раҳбари фармони асосида жазодан озод этилиб, оиласи бағрига қайтмоқда.

- 3 йилга озодликдан маҳрум этилиб, 1 йилга озод этилдим, - дейди Бахтиёр Ғуломов. - Президентимиз фармони асосида авф

*“Хукмдор Усмон” телесериалини мароқ билан томоша қиламиз. Буюк турк тарихи, давлатчилиги йўлидаги курашлар, тарихий шахслар ҳаёти маҳорат билан ижро этилган. Усмонийлар империяси ҳақида маълумот беришингизни истардик”*

**Зилола Сафарова,  
Бухоро шаҳри.**



**Усмонийлар номи қаердан келиб чиққанини биласизми? Сулола номи унинг асосчиси Усмон I ибн Эртўғрул номидан олинган. У ким эди? Бу ҳақида мақолада батафсил билиб оласиз.**

Туркларнинг дастлаб Кичик Осиёга кириб келиши Салжукийлар давридан бошланган. Қисқа вақт давомида Византияга қўшни ҳудудда Буюк Салжукийлар давлати ташкил топади. 1038-1308 йиллар давомида бошқарилади. XI аср охиридан бошлаб, Буюк салжукийлар давлатининг Мўғуллар билан муносабати анча совуқлашади ва парчаланиш жараёни юз беради. Мустақил бўлаётган бекликлар орасида Кўнияга тобе бўлган Усмонийлар беклиги ҳам бор эди. Усмонийлар ҳудудига Кичик Осиё, Болкон, Шарқий Европа, Яқин Шарқ, Шимолий Африка, қисман Кавказ


салжукийларнинг Кўния султонлиги ҳудудига бориб ўрнашади ва Салжукийлар кучсизланиб қолгач, бейлик мустақил давлатга айланади. Эртўғрул беклик бошқарувини 1281 йилда ўғли Усмон I Ғозийга топширади. Бу беклик 1299 йилда ўзини мустақил давлат, деб эълон қилади. Кейинчалик бу давлат турк султонлиги номи билан дунёга танилиб, ўрта асрларда жаҳондаги қудратли давлатлардан бирига айланган. Сулола асосчиси Усмонбей (1258 йил Сёғут, Эскишаҳар яқинида туғилган. 1326 йил Бурсада вафот этган) турк султони эди.

Усмон ташки сийосатда асосан қўшинга таянар эди. Усмон Ғозий давридаёқ қўшни Византия империясига қарши бир неча бор ҳужум қилиниб, Қорача Ҳисор, Ёр Ҳисор ва Бурсанинг атрофлари эгалланади. Тез орада Анадоладаги бошқа турк бейлари ҳам Усмон I томонидан бўйсундирилари. Гарчи Усмон ҳаётлигидаёқ Бурсани эгаллай олмаган бўлсада, унинг ўғли Ўрхон даврида Бурса узил-кесил эгалланади ва шу пайтда шарқдаги Болу шаҳри ҳам Усмонийлар давлатига таслим бўлади. Шу даврдан бошлаб, Усмонийлар давлатининг пойтахти Бурса (1326-1365) этиб белгиланади.

Усмон адолатли давлат қуриш учун кўп ҳаракат қилди ва бунинг улдасидан чиқди. Усмон қурган давлат қарийб, VI аср давомида Усмонийлар номи билан шухрат қозонди. Усмоннинг ворислари даврида ҳам давлат адолат ва оқилона сийосат билан бошқарилади. Усмон қурган давлат кўп йиллар давомида жуда кўп ҳудудларни босиб олди ва адолат билан бошқарилганлиги сабабли бошқа давлатларга нисбатан кўпроқ яшади.

Қақатгина Усмонли империяси биринчи жаҳон урушида мағлуб бўлгани туфайли 1920 йил Севр шартномасига кўра, бошқа Европа давлатлари томонидан бўлиниб олиниши кўзда тутилади ва 1922 йилда бутунлай империя сифатида тугатилади.

**Азиза Наврўзова,  
Наманган Давлат  
Университети 1-босқич  
талабаси.**



учиб йўлдан адашган. Бугун гўёки панжара орти уларга яна қайта тўғри юришни ўргатаётгандек. Сабаби, бу жойдаги ўтган қимматли вақт кўплари учун бир умрга етарли сабоқ бўлган. Қолаверса, интиқ кутаётган яқинларининг кечинмаларини у бир неча бор ортиқроқ ҳис қилган, десак хато бўлмайди. Фарҳод Аҳролқулов ҳам 40 ёшни қарши олиш арафасида. 4 нафар фарзанднинг отаси байрам арафасида оиласи бағрига қайтмоқда.

- Президентимизга раҳмат, мени авф этдилар, - дейди кўзига ёш олиб Фарҳод Аҳролқулов. - Адашиб қолганимни кеч англаб етдим. Лекин энди ҳаётда меҳнат қилиб ўз ўрнини топаман. Фарзандларим тарбиясига алоҳида эътибор қаратаман.


Шунингдек, Бухородаги бошқа жазони ижро этиш калонияларидан ҳам бир қатор юртдошларимиз оиласи бағрига жўнаб кетди. Қилган иши хатолигини англаган

этилиб, озодликка чиқаяпман. Президентимизга мингдан минг раҳмат. 1 йил қамоқда ўтирган бўлсам, мен учун 10 йилдек туюлди. Фарзандларим, набираларимнинг соғинчи билан яшашга ҳаракат қилдим. 96 ёшдаги онамининг дуоларини олишим керак. Қилган ишимдан пушаймонман.

Чиндан-да, кўп ҳолларда ҳақиқатни англаш учун қимматли нарсамиздан воз кечишимизга тўғри келади. Бахтиёр Ғуломов ҳам озодликнинг қадрини, оила меҳрини бир йиллик зулматга алмашганидан пушаймонда.

Меҳр-оқибат, инсонийликнинг ифодаси бўлган авф оиланинг таянчини яна яқинлар бағрига қайтаряпти. Бу эса Бахтиёр Ғуломов сингари 400 дан ортиқ юртдошимиз хонадонига катта қувонч ҳам олиб кирмоқда.

Маъруфхон Комилов, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Академияси катта ўқитувчиси.



ва Кримда ҳукмронлик қилаётган турк султонлари сулоласи эди.

Усмонийлар 1299-1922 йилларда ҳукмронлик қилган. Усмонли турк империясини бошқарган. Сулола номи унинг асосчиси Усмон I ибн Эртўғрул номидан олинган. Мовороннаҳр ва Хуросонда яшовчи оғуз туркларнинг қай (қайи) уругига мансуб қавм Эртўғрул бошчилигида XIII аср 20-йиллари мўғуллар истилоси даврида Кичик Осиёга бориб ўрнашиб қолишади. Улар

Ҳукмронлик йиллари 1299-1326 йилларда давлатни адолат билан бошқаради. 1281 йилда отаси Эртўғрул Кўниянинг шимолий-ғарбий чегара ҳудудига мулкка эга бўлади. Бу пайтда Кўния таназзулга учраб, бир неча бекликка бўлиниб кетган эди. 1289 йилда Усмон I нинг бей унвоми Кўния султони томонидан эътироф этилиб, унга ҳокимият рамзи бўлган ноғора ва бунчук берилган. Усмонийлар давлатининг дастлабки пойтахти Соғут (1302-1326) эди.

Бугун, нафақат, юртимиз балки, бутун дунёда экологик номуғаносибликлар кучайиб, глобал муаммолар ҳосил қилмоқда. Ҳавонинг ифлосланиши, сувнинг камайиши, озиқ-овқат танқислиги, ер ва тупроқ унумдорлигининг пасайиши — булар барчаси инсоният ҳаётига хавф-хатар содувчи қатор жумбоқли саволларни кўндаланг қўймоқда.



## ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

Шу нуқтаи назардан, вилоятнинг олис жанубий сарҳадида кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларига аҳамият қаратилмоқда.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида айни кунларда М-37 магистрални йўлининг Жондор ва Қорақўл туманларидан ўтган 311-314 километрлари оралигидаги йўл бўйларидаги тошлоқ ерларда дарахт экиб, боғ яратиш ишларига кизгин киришилган.

Мазкур ҳудудни яшил

оламга айлантириш борасида амалга оширилаётган иш жараёнлари билан танишиш, аҳолини дарахт экишдек савоб ишга жалб этиш мақсадида пресс-тур ташкил этилди.

Шу кунни 1650 та гужум, саксовул туя арча каби сувни кам талаб қиладиган дарахт ва бута кўчатлари экилди. Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Қадимдан аждодаларимиз она табиат билан ҳамоҳанг бўлиб яшаганлар. Афсуски, бугунги кунда табиатга нисбатан истеъмол-

чилик кайфияти кучайиб бормоқда. Иқлим ўзгариши туфайли юзага келаётган турли муаммолардан бутун инсоният қаттиқ азият чекмоқда. Бундай ҳолат барчамиздан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади”.

Демак, ён атрофни экологик тоза ва табиий кўкаламзор муҳитга айлантириш - барчамизнинг зиммасидаги инсоний бурчимиздир.

“БҮО”

**Ёшлар овози**

# КАТТА СУМКА

Эрталаб ўқишга отланганимда, 1-синфда ўқийдиган жиянимнинг онаси уни мактабга олиб кетаётган бўлади. Қўлида қизининг сумкаси, жияним эса кечқурун билан тайёрлаган дарслари, ёд олган шеър ва топшириқларини онасига айтишга ҳаракат қилади. Агар шоммаётган бўлсам, қизчанинг сумкасини қўлимга олиб, йўлда мактабга ташлаб ўтаман. Манзилга яқинлашганимиз сари жиянимнинг тенгдошлари ҳам ора-сирра кўзга тушади. Уларни ажратишнинг ягона йўли сумкасини гоҳ у қўлидан бу қўлига олиб, ҳар беш-олти қадамда дам олиши эди.

Кичик синф ўқувчилари ота-онасининг кўп қисми бу борада фарзандига эътибор бермаслиги, камида 4-5 кг оғирликдаги сумкани кўтарган боласини бамай-лихотир мактабга жўнатишига ақлим етмайди. Ахир бу энди шаклланаётган боланинг саломатлиги ва ўсишига салбий таъсир қилади-ку!

Мутахассислар мактабга ўқувчи кўтариб борадиган сумканинг оғирлиги бўйича кунлик меъёр даражасини белгилаб берган. Унга кўра, бир кунда 1-2-синф ўқувчилари 1,5 кг, 3-4-синф ўқувчилари 2,2 кг, 5-6-синф ўқувчилари 2,5 кг, 7-8-синф ўқувчилари 3 кг, 9-11-синф ўқувчилари 3,7 кг кўтариши керак.

Бироқ, аксарият ота-оналар боласининг мактаб сумкаси ниҳоятда оғирлигини, шу сабаб кўпинча ўзи мактабга ташлаб қўйишини айтади.

- Қизим 7-синфда ўқийди,

дарсликлари ҳам ката-катта, машқ дафтарлари алоҳида. Бир кунни 6 соатлик дарсликларининг ҳаммасини солиб, ўлчаб кўрдик, 8 кг чиқди. Қизим ўзи нимжон, елкам, белим оғрияпти, деб кўп шикоят қилади, - дейди Наргиза опа.

Шу вақт ўйлаб қоламан, наҳотки, мутасаддилар ёшларда узоқ вақт оғир сумка кўтариб юриш сколиозга, умуртқа поғонасининг эгрилигига ва оёқларнинг қийшайиб ривожланишига олиб келиши мумкинлигини билмайди?

Бола ногирон бўлиб қолиши мумкин

Қайд қилинишича, сколиоз касаллиги 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган ёшларда учрайди. Унинг профилактикасида боланинг қадди-қоматига чақалоқлик давридан эътибор қаратиш бирламчи аҳамиятга эга. Бошқа сабаблар сифатида мутахассислар яхши овқатланмаслик, очик ҳавода сайр қилмаслик, етарлича ухламаслик, сузиш, гимнастика билан шуғулланмаслик, мактабда болаларга мос келмайдиган парта ва стулларни келтирмоқда.

- Бу касаллик умуртқанинг ўнг ёки чап ён тарафга қийшайиши натижасида пайдо бўлади, - дей-

## ОСТИДАГИ КИЧИК ЖУССАЛАР

ди малакали ортопед, профессор Аҳрор Жўраев. - Сколиознинг ёйсимон, "С" шаклига ўхшаш турлари мавжуд бўлиб, 4 хил даражада ривожланади. Энг оғир даражаси тўртинчи босқич ҳисобланиб, боланинг ички аъзоларида патологик ўзгаришларни юзага келтиради. Болани ташқаридан кузатсангиз, унда букрилик ҳолатини сезасиз. Оёқ соҳаларида фалажлик, невралгия, парез қайд қилинади. Касалликни даволама, унинг хуружи натижасида умуртқанинг ўз ўқи атрофида айланиб кетиши натижасида яна ҳам мураккаб деформацияловчи асоратларга олиб келади. Бундай



Илҳомжон Абдусаломов  
Ўқувчи сумкасининг оғирлиги бўйича белгиланган кунлик меъёр:

- 1-2-синф ўқувчилари – 1,5 кг;
- 3-4-синф ўқувчилари – 2,2 кг;
- 5-6-синф ўқувчилари – 2,5 кг;
- 7-8-синф ўқувчилари – 3 кг;
- 9-11-синф ўқувчилари – 3,7 кг.

## “ҚИЗИНГИЗНИ ЎҚИТИБ НИМА ҚИЛАСИЗ?!”

Бугунги кунда бот-бот ғарибона, маънавий қашшоқ одамларга хос гапларни эшитиб қоламиз. Тафаккур қилиш, ўз дилбандининг тақдирига панжа ортидан боқиб яшаётган мана шундай инсонлар бор экан, мамлакат маънавий ривожланиш сари юзланиб, дадил одимлай олади, дейишга-да тил бормайди.

“Қиз болага олий маълумот керакми, қиз бола ўқиб шаҳар олиб берармиди? Шунча ўқитганинг билан узатиб юборсанг, роҳатини бошқалар кўради!”

Доим шу мавзуга келганда жамиятимиздаги қарашлар гўё иккига ажралиб қолгандек туюлаверади. Бир томон қиз бола ўқишини деса, иккинчи томон қиз ўқиса, миллат ўқийди, ҳар томонлама тақомил топади, дея жар солади. Қизларни ўқитдик ҳам дейлик, ўқиш давридаги қийинчиликлар тугаб, ишга кириш муаммолари бошланади. Қандай дейсизми? Оилалигимиз, турмуш ўртоғингизни руҳсати борми, ёки турмушга чиқасиз, қайнона-қайнона хизмати, бола-

ли бўласиз, бир йил ўтар-ўтмас бола таътилига чиқасиз, деган важлар билан ишга олишмайди. Шу зайл оила куриб бола чақасидан тинчиб энди ишга чиқаман деганда, неча йил тажриба ортиргансиз деган саволга дуч келади. Бир амаллаб ишга кирганидан сўнг эса у йиллар давомида бола тарбияси, уй ишлари билан бўлиб билим кўникмалари ёдидан чиққан бўлади. Аксарият оилаларда бесабаб қиз фарзандларнинг истаклари уёқда турсин, илм олиши-ю, ўзлари хоҳлаган касб-ҳунар эгаси бўлишига чекловлар қўйишига шохид бўламыз. Баъзи ҳудудларда бутун бошли мактабдан, битирувчилар орасида аксарият

қизлар олий ўқув юртига кириш у ёқда турсин, хатто ҳужжат топширмаган бўлади. Чунки ўша жойдаги биқик муҳит бунга йўл қўймайди. Битирувчи синф қизларининг кўпчилиги аллақачон унаштирилган ва тезроқ мактабни битириб узатилиши ҳақида ўйлашади. Таассуфки, аксарияти олий маълумот олиб ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиши, севган касби бўлишини орзу ҳам қилмайди.

Шубҳасиз, ҳаёт фақат ялтир-юлтур сарполар билан узатилиш, тиллоларга ботиб тўйма-тўй, маросимма-маросим юришдан иборат эмас. Эрта узатилаётган ўша қизларнинг оналаридан бирига нега бунча эрта узатаёйсиз, қўлида хунари йўқ, бирор касбнинг бошини тутмаган, эртага ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин, ҳеч бўлмаганда ўқиса, болаларини саводли қилиб тарбиялайди-ку, дейишса, ўқитишга пулимиз



йўқ, дейди. Лекин қизи учун қилган сарполар, олди-бердиларини ҳисобласангиз, бир эмас бир неча қизни ўқитишга етадиган пул сафрланганлигига амин бўласиз.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Аёлларнинг, хусусан, қиз боланинг ўқиб, олий маълумотли бўлиши, касб-ҳунар эгаллаши оила бахти, фарзандлар камоли учун, шу асосда бутун жамият равнақи учун хизмат

қилади. Ўғил боланинг илм олиши бир кишига, қиз боланинг ўқитилиши эса бутун жамиятга таълим бериш билан тенг”.

Шундай экан, қалб кўзлари билан атрофга боқиб, ўз жигаргўшаларимиз бахтини ўйлаш, унинг камолоти учун курашиш, илму маърифатга ошно этиш вақти келмадимикан?!

Дилназов Тўхтаева,  
“ВУО” мухбири.

Дин ва аҳиллик бир-бирига яқин ва мазмунан боғлиқ сўзлар. Динларнинг аксарият тушунчалари бирдамлик ва бирликка чорловчи хусусиятга эга. Улар умумлаштирилиб, “бағрикенглик” сўзида бирлашган. “Бағрикенглик” сўзининг луғавий маъносига тўхталадиган бўлсак, чидам ва бардош, ҳурмат ва ҳиммат каби маъноларни англатади.

## ДИНЛАРАРО БАҒРИКЕНГЛИК ТОРТИШУВЛАРГА ЭМАС, ТОРТУВЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бағрикенглик бор ерда ивго, фитна ва зиддиятлар юзага келмайди. Шу жиҳатдан, аҳолининг тинч ва фаровон яшashi, орзу ва эзгу ниятларга интилишида, аввало, тинчликда умр кечирishiда динлараро тотувликнинг ўрни катта. Юртимизда яшаётган турли миллат ва элат вакилларининг ўртасида тотувлик ва аҳиллик доим ҳукмрон бўлган. Ўзбекистонда 2010 йил ҳолатига кўра, 95 фоиз аҳоли ислом динига, қолган аҳоли Христиан, Яҳудийлик ва бошқа дин, мазҳабларга эътиқод қилади.

Тошкент шаҳрида ОАВ вакиллари учун “Марказий Осиёда динлараро ва бир дин ичидаги бағрикенглик масалаларини ёритишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни” мавзусидаги халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Журналистларини қайта тайёрлаш маркази ва “Search for Common Ground” халқаро нодавлат нотижорат ташкилотининг Ўзбекистон Республикасидаги филиали билан ҳамкорликда ўтган давра суҳбати икки кун давом этди. Бунда ўзбекистонликлардан ташқари, Марказий Осиё мамлакатлари – Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистондан манфаатдор давлат органлари вакиллари, журналистлар, блогерлар ва экспертлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этишди.

Давра суҳбатида дунёвий давлатда дин эркинлиги ва динлар хилма-хиллиги билан боғлиқ динлараро мулоқотни мустақамлашда давлат органлари, фуқаролик жамияти ва оммавий ахборот воситаларининг

роли, диний мавзуларни медида ёритишда ахлоқий меъёрлар ва халқаро стандартлари, дин эркинлиги, динларнинг хилма-хиллиги ва бағрикенглик масалаларини ёритишда амалий ёндашувлар, диний мавзулардаги медиатрендлар ҳақида сўз борди. Дин мавзусини ёритишда нафрат сўзлари ва сохта хабарлардан қандай қочиш керак мавзуларида видеоролик ва слайд намойишлари орқали маърузалар ташкил этилди.

Қолаверса, ушбу икки кунлик давра суҳбатида ислом динида аҳиллик - чин мўминлик, дея тарғиб қилинишига тўхталиб ўтилди. Унга кўра, ҳадисларда “Инсонлар тарок тишлари каби тенгдирлар. Арабнинг бошқа халқлардан, оқнинг қорадан, эркакнинг аёлдан устунлиги йўқ. Фақат, тақвода холос”, дейилган. Бирок, афсуски, динни “ниқоб” қилиб олиб, ундан ғараз ва айирмачилик мақсадида фойдаланаётганлар йўқ эмас. Уларнинг мақсади аҳоли тинчлигига раҳна солиш, ижтимоий изчилликни бузиш ва шу ният орқали ҳукмронликка эга чиқишни кўзлайдилар. Оммавий ахборот воситалари орқали баъзан “Ислом” ва “Террор” сўзларининг бирикма сифати қўлланилаётгани аслида бир-бирига умуман зид тушунчалар қўлланилаётгани маърузаларда айтилди. Зеро, Ислом дини зулм, тажавузкорлик ва қон тўкишни буткул қоралайди. Террор ҳаракатлари, нафақат, ислом динида балки, ҳеч бир дин таълимотида тарғиб қилинмайди, аксинча, унинг



ҳар қандай кўринишига қарши чиқилади.

Маърузачиларнинг сўзларига кўра, дунёда ҳам турли зулмларнинг олдини олиш ва уларга йўл бермаслик мақсадида, диний бағрикенглик тарғиботи йўлида турли ислохотлар йўлга қўйилган. Жамиятда диний бағрикенгликни таъминлаш жаҳон ҳамжамияти олдида турган муҳим вазифага айланган. БМТнинг Фан, таълим ва маданият соҳаларига ихтисослашган ташкилоти - ЮНЕСКО томонидан айтилган йўналишда 70 дан зиёд халқаро ҳужжат, шу жумладан, 1995 йил 16 ноябрда «Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси» қабул қилинган ҳам ушбу масала нақа-

дар долзарб эканини кўрсатади. Ўзбекистонда 16 диний конфессия, 153 миллий-маданий марказ вакиллари ўртасида бағрикенглик тамойилни мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилади. Бугунги кунда турли динга мансуб қадриятларни асраб-авайлаш, барча фуқароларга эътиқод қилиш ҳамда ибодатни эмин-эркин амалга ошириш учун зарур шароит, динлар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада ривожлантириш юзасидан етарлича имкониятлар мавжуд.

- Наманган вилоятида, оддий ўзбек оиласида туғилиб, ўстанман, - дейди Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари Светлана Ортиқова. - Отам ўзбек,

онам украин миллатига мансуб бўлгани учун ҳайитни ҳам, пасхани ҳам нишонлаганмиз. Куличини ҳам, ҳайит ошини ҳам бирдай, байрамонга тановул қилганмиз. Ота-оналаримиз, болалар ўртасида у ёки бу дин, миллат вакиллари камситилишни ҳеч қузатмаганмиз. Бошқа дин, миллат вакилларига дўстона муносабат аслида оилада бошланиб, бутун жамиятда, дунёда ҳукм суриши лозим бўлган муҳим жараёнлардан бири. Негаки, қонун устувор мамлакатда инсон кўнглидаги эътиқодга даҳл қилиш ҳам тақиқланади. Мамлакатимизда кейинги йилларда диний бағрикенглик, миллатлараро тотувликни таъминлаш мақсадида 50 га яқин қонун ҳужжатлари, 40 дан ортик қарорлар қабул қилинди. Бу масалада қатор ижобий ўзгаришлар рўй берди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 12 декабрь кунли бўлиб ўтган ялпи мажлисида Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган ҳужжат лойиҳаси асосида “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси қабул қилиниши мамлакатимиз ушбу йўналишда эришаётган натижаларнинг халқаро эътирофи, дейиш мумкин.

Учрашув давомида, жамиятда дин, жамоатчилик ва конфессиялараро мулоқотнинг ўрни, диний мавзуларни ёритишда ахлоқий меъёрлар, халқаро стандартлар ва бошқа кўлаб мавзулар бўйича фикр алмашилди. Марказий Осиё давлатлари тажрибаси ўрганилди, амалий сессияларда билимлар мустақамланди.

Бугунги кунда дунёнинг турли нуқталарида эллар ва давлатлараро тортишув, жанг ва қирғинбарот урушлар юзага келмоқда. Аммо, айтиш мумкинки, эл ва эллараро, ҳар дин ва динлараро қарашларнинг ва таълими бор. Булар баъзида бир-бирига зид ва номутаносиб тушунчаларни пайдо қилишни мумкин, бироқ, динлараро бағрикенглик ана шундай зиддатлар ўртасида муаммо пайдо қилмасликка, тортишувлар келтириб чиқаришга эмас, тотувликлар ўрнатишга хизмат қилиши керак. Бу эса ҳар бир инсон ўз эътиқодига тўла амал қилишига йўл очиб беради.

Зулфизар Мавлонова,  
“БҲО” муҳбири.

Мақтабга бордингизми ота? Аҳволни билдингизми? Ёлғиз бормагандирсиз-а, болаларни яраштириб, уларга керакли тушунчалар берган бўсангиз жуда яхши! Эндиги қиладиган ишингиз оддингизидан ҳам муҳим. Сиз фарзандингизнинг дарсларини кузатиш. Синфдошлари орасида, устозлари олдида ўзини тутишига аҳамият беринг.

Эшитганим бор, қадим замонларда бир қишлоқда икки қўшни яшашган экан. Улардан бири борчилик билан, иккинчиси йўқчиликда истикомат қиларкан. Фарзандлари мактабга борадиган бўлишибди. Устозлар албатта, бойнинг боласи атрофида парвона, унга яхши сўзлар айттар, сабоқларни ўзлаштиришига эътибор бермас эканлар. Камбағалнинг боласига кўша-кўша топшириқлар беришар, ора-сера уй вазифасини текшириб турар, бола дарс машгулотлари шунақа бўлса керак, деб тушунаркан. Тиришқоқлик билан берилган топшириқларни бажарар экан.

Йиллар ўтибди. Қулларнинг бирида ўша юрт подшохи янги қаср қурадиган бўлибди. Қасрнинг кўриниши ўзгача бўлиши кераклиги ҳақида овоза тарқалибди. Бой

## МАКТАБДА БАҲОНИ СОТИБ ОЛИБ БЎЛМАЙДИ



подшоҳдан кўпроқ совға-салом олишни кўнглига тугиб, ўғлига қаср тархини чизишни буюрибди.

Камбағал йигит эса, қишлоқда муаллимлик қиларкан. У ҳам қаср учун ўз лойиҳасини тайёрлабди ва масъулларга юборибди. Лойиҳалар албатта кўп эди. Ҳар бир чизувчи

ўз режасини, қаср тархини тақдим қилиши, фикрини баён этиши керак.

Бойнинг боласига навбат келибди, у фаввора суратини чизганмишу, сув йўлини унутибди, ҳаммом боининг ўртасига, ноқулай жойда жойлашган, худлас, унинг лойи-

ҳасини подшоҳ маъқулламабди. Навбат камбағал йигитга келибди.

-Қаср саҳни кун чиқишга қаратилган. Тонги куёш саломатлик гаровидир. Ҳар хонага куёш нури қиради. Бу ердаги фаввора айнан куёш тикка кўтарилганда асқотади, салқинлик беради, суви булоқдан келиб, қувурлар орқали далага чиқиб кетади, экинларга етади...,-дебди йигит ва яна бир қанча қулайликлар хусусида гапирибди.

Йигит энди қаср тузилиши ҳақида сўз бошлаган экан ҳамки, подшоҳ унинг сўзини бўлибди, қаср қуриш учун чизган лойиҳасини маъқуллабди.

Бу аслида бир ривоят. Ривоятлар эса бежизга юзага келмайди. Воқеа аввали эсингизда бўлса керак, унда бойнинг боласини совға-салом эвазига юқори баҳо олиши-ю, камбағал йигитнинг сабоқларни ўзлаштириши ҳақида маълум қилгандик.

Бугун эътибор беряпмизми, фарзандимиз неча баҳо олапти?

Олаётган баҳоси ҳақиқийми, ёки “хафа бўлмасин”, “ўртоғидан, дугонасидан кам бўлмасин” каби вазлар ва ёки совға саломлар эвазига қўйилмаптими? Бир сўз билан айтганда, турли байрам, тадбирлар баҳона баҳони биз ота-оналар фарзандимизга сотиб олиб бермаяп-мизми?

Болаимиз мактабни амаллаб тугатар, олий таълим даргоҳида ҳам ўқир, амаллаб диплом олар, аммо ривоятда келтирилганидек “бонинг ўртасига ҳаммом қуриб қўйса-чи? Сотиб олган баҳоларимиз бундан ортик нимага “ярайди”? Боланинг иқтидорини, истеъдодини қўллаб-қувватлаш, унинг қизиқишига рағбат бериш ўрнига, ўзлаштира олмаётган фанларидан юқори баҳо олиши учун биз ота-оналар астойдил курашиб, қандай натижага эришамиз?

Ҳа, афсуски гапирсак, бутун вужудимизни оғригадиган муаммоларга ўралишиб боряпмиз кейинги пайтларда. Шундай экан, демек, ҳозирдан назорат қилишни бошлайлик! Баҳони сотиб олишга эмас, кўпроқ китоб сотиб олишга маблағ ажратайлик. Бу нафақат фарзандларимиз учун, балки миллат, жамият равнақи учун жудаям муҳим!

Муҳайё Назарова

# БОСҚИНЛАРДАН ОМОН ЧИҚҚАН МИНОРАИ КАЛОН



Бухорои шарифга зиёратга келган сайёҳ борки, 9 асрлик тарихга эга, баландлиги 47,5 метр, айланмаси 36 метр бўлган маҳобатли Минораи калонни кўрмай кетмайди. Масжид ва мадрасаларша туташ қилиб қурилган ушбу минорани тиклашдан мақсад аслида, одамларни намозга чорлаш бўлган. Аммо, ушбу миноранинг дуғавий маъноси араб тилидан олинган бўлиб, «маёк» деган маънони англатади.

Асрлар давомида шаҳарга келувчи қаровонлар учун йўлчи юлдуз, маёк вазифини ўтаган Минораи калон, яъни буюк меъморий ёдгорлик - Катта минора Қорахонийларнинг сўнгги ҳукмдори бўлган Амир Арслонхон Муҳаммад ибн Сулаймон томонидан XII асрда, аниқроқи, 1124-1127 йилларда қурдирилган.

Тарихий манбааларда айтилишича, Минораи калон атрофидаги ҳовлилардан бирида Минора бунёдкори уста Бақонинг қабри жойлашган. Уша манзил Минора соясининг энг юқори нуқтаси тушадиган жой ҳамдир. Устанинг қабри нега айнан бу ерда жойлашганининг сабабини у ўз васиятида битиб қолдирган: «Менинг жасадимни минораи калон ёнидаги ҳовлига кўминг, агар минора қуласса, менинг қабрим устига қуласин, суякларимни майда-майда қилсин. Лекин, худо шохид, қиёматгача минора қуламайди»

- Чиндан ҳам Минораи калон асрлардирки, виқор ва салобат билан ўз ўрнида мустаҳкам турибди. Бухоронинг 1102-1130

йиллардаги ҳукмдори Арслонхон Қорахоний шаҳар атрофидаги сувсиз саҳроларда қаровонлар адашиб, ҳалок бўлиши оқибатларини ўйлаб, шаҳарда энг баланд иншоот қурдиришга қарор қилган. Юзлаб сара усталар орасида Уста Бақонинг лойиҳасигина унга манзур бўлган ва шу аснода миноранинг қурилган, дейди Тошкент давлат педагогика университети доценти вазифини бажарувчи, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Шавкат Бобоносов.

Билдирилишича, муҳандис ва меъмор уста Бақо лойиҳаси асосида тикланган Минораи калон пойдевори тош ва махсус қир қоришмасидан терилган. Ер сатҳидан 9 метр чуқур, баландлиги салкам 50,0 метр, курсиси қиррадор, танаси ғўласимон, тепаси гумбазли давра қафаса-қўшқ билан боғланган. Минора юқорига ингичкалашиб борган ва муқарнас билан тугаган. Қафасасидаги 16 равокли дарчалар орқали атрофни кузатиш мумкин. Тепага минора ичидаги 104 айланма зина орқали чиқилади. Масжиди



Тарихий манбааларга кўра, 1920 йилда Бухорога бостириб кирган Фрунзе бошчилигидаги қизил аскарлар ҳам ердан, ҳам осмондан туриб, минорага зарба беришган. Бухорони уч кун давомида самолётларнинг керосин ва бензини тугагунга қадар бомбардимон қилишга буйруқ беришган. Маҳаллий аҳоли аэропланларни олдин кўрмагани учун «темир қанотли қушлар», бомбардимон кунлари эса «кичик қиёмат» деб аташган.

калон калон томонидан минорага ўтиладиган кўприкча бўлган. Миноранинг ўзаги ҳам, безаги ҳам чорси гишт билан терилган. Нақд қилинишича, Уста Бақо Минораи Калонни қуришда сув ўрнида туянинг сути, тухумнинг оқидан фойдаланган.

- XX аср бошларида Бухорода 220 та гузар бўлган бўлса, деярли, ҳаммаси катта-кичик миноралар мавжуд бўлган. Бир-биридан бўй таллашиб турган минораларнинг кўплиги, бир-бирига параллел туриб, гўзал меъмори композицияни ташкил этгани сабабдан ҳам шаҳар «миноралар шаҳри» дея таърифланган. Ҳозирда 17 минора сақланиб қолган. Улар орасида Минораи калон маҳобати, салобати, мустаҳкамлиги, қадимийлиги, гўзаллиги ва шаҳарнинг марказий майдонида қад ростлагани билан ажралиб туради. Бухорода минор усталар бўлган. Минора қуриш бўйича устоз-шоғирд

мактаби анъаналари фаолият юритган. Уларни минорасоз уста, минорасозлар, деб аташган. Бошқа воҳаларни бундан усталар авлоди ёки хунар турини, деярли, учратмаймиз,- дейди Шавкат Бобоносов.

Тарихий манбааларга кўра, 1920 йилда Бухорога бостириб кирган Фрунзе бошчилигидаги қизил аскарлар ҳам ердан, ҳам осмондан туриб, минорага зарба беришган. Бухорони уч кун давомида самолётларнинг керосин ва бензини тугагунга қадар бомбардимон қилишга буйруқ беришган. Маҳаллий аҳоли аэропланларни олдин кўрмагани учун «темир қанотли қушлар», бомбардимон кунлари эса «кичик қиёмат» деб аташган. Бухоронинг етмиш фоиз санъат асарлари, меъморий обидалари, масжиду мадрасалари, анъанавий турар жойлари портлатиб юборилган. Шаҳар уч кун давомида ёнган. Миноранинг бир

неча жойлари «жароҳатланган». Лекин Фрунзенинг тўплами ҳам Минорани қулатолмаган.

- Ҳар доим Бухоро тарихини ўрганиш давомида айнан шаҳардаги бу босқинни кўз ёш билан ўқийман. «Бухоро амирлигини қулатиш операцияси» жуда оғриқли кечган. Кўплаб меъморий обидалар қаторида Минораи калон ҳам жуда оғри талофат кўрган. Аммо, тўлиқ йиқита олишмаган. Бунда бетакрор уста Бақо ва тажрибали қурилиш усталарининг маҳоратига тан бериш мумкин. Бухоро амирлигини қулатиш операциясида қатнашган учувчилардан бири ўзининг Нижний Новгороддаги газетада эълон қилган хотираларида шундай мақтаниб ёзган: «Биз ҳар гал Бухоро Аркни бомбардимон қилардик. Ундан ортиб қолган бомбаларни эса Масжиди Калон ва Минораи калон устига ташлардик». Бу чинакам вандализм, ёввойилик, ваҳшийлик, санъатни, маданиятни кўролмаслик. Йигирманчи йилларнинг муҳиш кунлари ўрта асрлар такрорланмас мафтункор шаҳри Бухорои шарифни вайронга айлантиришган», - деди суҳбатдош.

Шавкат Бобоносовнинг билдирилишича, собиқ Иттифок даврида ҳам Минораи Калонни камситиш одат бўлган. Буюк иншоотни «Минораси» деб айтишган ва китобларга ҳам ёзишган. 1929 йилдан сўнг Минораи Калондан азон айтиш таъқиқланган. Унинг атрофи дидсизлик билан асфальтланган. Минора захга ем бўла бошлаган. У Минораи калоннинг турли босқинларга бардошлилиги ҳақида сўзлар экан, қизил империянинг мўғуллардан кўра, ваҳшийроқ эканини шарҳлайди.

- Минорайи калонни жозибали ҳамда нафис қилиб безаш мақсадида унинг белбоғида гиштларга шакл бериш йўли билан нақшинкор ҳалқалар ҳосил қилинган. Безаклар бир-бирини асло такрорламайди. Миноранинг белбоғида кўфий ёзувлар билан «Юнус сураси»нинг 107-109-оятлари битилган. Эътибор қилинг, хатто, биз тарихда вайронкор сифатида таниган мўғуллар ҳам қизил империя сингари ваҳший ва босқинчи бўлишмаган. Тарихий манбааларда зикр этилишича, 1220 йил мўғул қўйинлари Бухорои шарифга кирганида, жуда кўп жойларни вайрон қилишган бўлса-да, Бухоро минорасининг баландлиги ва маҳобатдан ҳайратда қолиб, унга таъзим айлашган экан. Оятларни ўқиб, иймон келтиришган. Бир сўз билан айтганда, ушбу улғу меъморий обидида кўплаб қонли босқинлардан омон чиққан,- дейди.

Нақд қилинишича, Чингизхон Бухорога келиб, барча осори-атиқаларни ер билан яқсон қилгач, Минорайи калон қаршисига келиб, унинг тепасига қараганда, бош кийими ерга тушиб кетган. Ва Чингизхон умрида биринчи бор сесканган ва бу бу улғу, мўғулар иншоотни бузишга журъат қила олмаган.

Минораи калон шунчаки тошдан бунёд этилган обиди эмас, у - мўйсафид, донишманд Бухоро - ёғийларга бўйин эгмаган, босқинчиларга тобе бўлмаган бетакрор меъморий обидадир. Минораи калон халқаро ташкилотлар томонидан берилган эътибор сабаб ЮНЕСКО ташкилотининг Бутун Жаҳон ёдгорликлари рўйхатига киририлган.

Лайло Ҳайитова



**Бугуннинг гапи**

# “КАМЕРА БОР, УРИБ КЎРИНГ, НИМА БЎЛАРКИН?”

Кимгадир ҳурмат ва маданият билан муомала қилиш кишининг ўз танловига боғлиқ. Аммо, ҳурмат қилиш ва маданиятли бўлиш тарбияни белгилайди. Ўқитувчи ва ўқувчи, талаба ўртасидаги муомалани ҳам тарбия белгилайди. Сўнги тўрт-беш йил ичида интернетда “Ўқувчини калтаклаган ўқитувчи ишдан бўшатилади”, “Ўқитувчи ўқувчисининг оила аъзолари томонидан калтакланди”, “Калтакланган ўқитувчи иши бўйича жиноий иш қўзғатилди”, “Ўқитувчини ҳақорат қилган ўқувчи” сингари мавзулар кўпайиб кетди. Нега? Бу ерда ким тарбиясиз ёки ким тарбия бера олмаяпти?

Мавзуга бир томонлама ёндашмоқчи эмасман. Ўқувчининг тарбияси қониқарли бўлса, ҳурмат қилиш керак, деган тушунча билан фикрласа, ўқитувчини ҳақоратлашга, унга қўл кўтаришга ва беҳурматлик қилишга ботина олмайди.

Ислоҳ дини ва мутафаккирларнинг асарларида тарбия, ирсият ва муҳит таъсири алоҳида таъкидланган. Шу уч омилинг ичида тарбиянинг роли аҳамиятли. Аммо, насл ва муҳитда камчилик бўлса, тарбияга таъсир қилмай қолмайди, дейилган. Кўриниб турибдики, бу ерда тарбия ва муомала тартибига ота-онадан алоҳида эътибор талаб қилинади.

Ота-онамиз, ёши катта қариндошларимиздан сўраб, кузатувларимизга таяниб хулоса қилсак, бундан 10-15 йил илгари ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги жанжаллар ҳақида эшитмаганмиз. Устозларимиз: “Бизнинг давримизда ўқитувчига тик қарагани ботина олмас эдик”, - дейишади.

Ўйлаб кўрса, нафақат, оилада берилаётган тарбия, балки, боланинг ички тарбияси ва ота-онадан кўрқиб хисси

ҳам кучли бўлган. Аксарият, ота-оналар фарзандини бой қиламан деб, тарбиясига эътиборсизлик қилаётган, қўлига телефонни бериб қўйиб, дарслари ва дўстлари ҳақида суҳбатлашмай кўйишгани бизга сир эмас. Устига-устак, ўқитувчи фарзандининг тарбиясизлиги ҳақида гапирганида, айримлар сўраб-суриштирмайди ва тушуниниши-да, исташмайди.

Ота-она боласини ўқитувчидан ҳимоя қилса, уни ёнида устозини ёмонлай бошласа, бола нафақат, ўқитувчига балки, бошқаларга ҳам беҳурмат бўлиб қолади. Яқинда бир ўқитувчи танишим гап бошлаб қолди:

- Илгари ўқувчиларда ўқишга қизиқиш ва дарсни тинглаш бор эди. Ҳозир эса баъзи ўқувчилар биз билан баробар тортишишади, “Ўқитувчимиз, дарсингизни утинг, бошқаси билан ишингиз бўлмасин!” - дея, ҳатто, сўкинишгача боришади. “Камера бор, уриб кўринг, нима бўларкин?”, деб қўшиб қўйишади. “Касбимни яхши кўраман аммо, бундай ҳолатларда ишлагим келмай қолади. Айниқса, юқори синф ўқувчиларини “бажариш” қийин...” - дейди ҳафсаласизлик билан танишим.

Тўғри, Абдулла Авлоний айтганидек, “Фикрининг қуввати, зийнати, кенглиги, муаллимнинг тарбиясига боғлиқдур”. Бирок, бола бетгачоқпарлик ва ҳурматсизликни ўқитувчидан ўрганмайди. Олийгоҳ талабага манманликдан дарс бермайди. Бу вазиятда уйдаги ўғитлар, ота-она эътиборидан ташқари, ёши катталар билан кўпроқ суҳбат қуриш тарбияда муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса шуки, ўқитувчининг педагогик маҳорати билан таълим олувчининг тарбияси намунали бўлсагина, ўқитувчи яхши таълим беради, ҳурмат топади.

Зулфизар Мавлонова



Бу мавзуда гапиришнинг ўзи оғир. Жудаям қийин! Боланиг ўлиб-тирилиб, катта қилсангу, емай едирсангу, кийманг кийдирсангу кўнгилини тополмасанг? Бўйи бўйингга тенг бўлганда, арзимас хатонг унга тоғдек кўринса? “Мени яхши кўрмайсиз, мендан ишингизни устун қўясиз, Сизга дўстларингиз керак, менинг ҳам кўнглим бор” каби гапларни эшитиш жудаям оғир...

Ота-оналар қачон бунчалар “хатоларга” йўл қўйганингизни бир эслаб кўринг. Фарзандларимиз турли саволлар билан бизни “тўхтатиб” қўйишяпти. Ана шундай саволлар билан ўзлари қилаётган хатоларни хаспўшляяптилар, ўзларини оқлашга ҳаракат қиляптилар. Балки шу саволлар замирида фарзандларимизни кўчадан муҳаббат излашга ўзимиз сабабчи бўлганимизни эслатовчи ҳақиқат бордир?! Ҳа, бор!

Эрта тондан уй-рўзгор юмушларини бажара туриб, “Бугун у ишни қиламан, раҳбар берган топшириқни бажаришим керак, хизмат сафарига кетаман, уйга кеч қайтаман” каби сўзларни фарзандлар олдида айтиб, уларни ўзимиздан осонгина совутаётган ҳам айнан ўзимиз.

Эсимни таниганимдан буён биламанки, ота-онам фарзандлари олдида бирор масалани кўтаришмаган, муаммоларини ечиш йўлини қидиришмаган, маслаҳат қилишмаган. Бугун ишхонадаги гап – уйда, кўчадаги гап – уйда, хотин-халаж ичидаги гап – уйда, тўйхона ва жанозадаги гап – уйда!

Ота-онасидан одоб олиши керак бўлган фарзандимиз, дунё ташвишларига ўралиб қолган меҳрибонларининг бақир-чақирини эшитиб улгайяптилар, бу – ҳақиқат, аччиқ ҳақиқат. Бунинг боаларимиз дунёқарашига таъсири бўлаётганини сезяпмизми? Улар техника ривожланган, электроника, интернет даврида яшашяпти. Дунё билимларини истаганча ижтимоий тармоқлар орқали топа оладилар, маълумотлар тўплаб биладилар, лекин ота-она меҳрини-чи? Ўзлари истаган тафтини сезишяптими?

Ишдан келаётганимда автоуловда бир отанинг гапини эшитганим: “Бола берган саволларга жавоб беролмайман, улар интернет олами, техникалар ривожланган давр болалари. Дарслиқда тушунмай қолган вазифаларни ота-онамиз бизга ўргатишарди. Мен ўғлимнинг вазифаларини бажаролмайман. Бундан ўттиз йил аввал ҳозиргидақа имкониятлар йўқ эди. Ҳар қандай юмушни қўлда бажарардик. Ота-оналаримиз биз уйқудан уйғонмай бозорга кетишар, мол-ҳолга қараб, яқшанба юмушларини тугатиб, тушлиқни қилиб бўлгач, бозордан қайтишарди, ҳозир эшикдан чиқасиз дўкон, ҳамма нарса бор”.

Ака битта нарсани айтмадилар, ота-оналаримиз биз учун, албатта, бозордан китоб олиб келишарди, сиёсий харита,

тўп, шахмат ё шашка, бўларди қўлларига. Бу нарсалар янгилигича турмасди, ундан кўшниллар, тенгқурлар ҳамма фойдаланарди. Ҳозир-чи?

Ҳамманинг уйида биз санаб ўтган нарсалар бор, ҳатто бундан зиёдаси билан! Фақат меҳр-муҳаббат тақчил, оила аъзолари бир-бирлари учун ажратадиган вақт йўқ, вақт тақчил! Эътибор кам! Ижтимоий тармоқларда ўқиганим бор: “Уйлар катта, юраклар тор бўлиб бормоқда!”.

Худди шу фикрни йигирма йилча аввал ўзим таълим даргоҳида, ота-оналар йиғилишида баралла айтганим: “Иморатингиз қаср, машинангиз замонавий, аммо уйингизда китобхона, бирор бир миллий чолғу асбоби йўқ! Авваллари ҳар бир уйда, доира, тор, дутор, рубоб, чанқовуз, гармон, пианино бўларди!” Фарзандни уйга боғлайдиган шунча меҳр-муҳаббатни кўчага чиқариб ташлаганимиздан кейин, болалар кўчадан меҳр излашади-да! Ота-онанинг қўлида китоб эмас, қўл телефони турса, бола қўлига китоб оладими? Қўш уясида нимани кўряпти, эътибор беряпсизми?

Фарзандларимизни кўчадан меҳр излашга сабаб шу миттигина, атиги бир қўлимизга сиғадиган, бир кафтгина буюм – телефон ҳам эмасми?! Замонавийлик дермиз, ижтимоий тармоқларда маълумотлар кўп дермиз, лекин... Кейинги пайтларда ижтимоий тармоқларда содир этилаётган бир неча кўринишдаги фирибгарликлар, кибержиноятлар... содда инсонларнинг кибержиноятчилар қурбонига айлангани сир эмас! Турли диний оқимларнинг ўсиб келаётган фарзандларимиз онгига салбий таъсири ҳам шундай!

Ўйлаб кўрайлик-чи, боламиз кўчадан муҳаббат излаб, кимларнинг ёки ниманинг таъсирига тушиб қолдикан? Энг ёмони, тармоқлардаги маълумотларнинг ҳаммаси ҳам ҳақиқат эмас!

Ҳар гал ота-онамдан қолган, уйимнинг тўрида деворга илдириб қўйилган доира ва чанқовузга қарасам, ота-онам ёнимда тургандек бўлишади. Ҳар қандай ҳолатда улар менга марҳум ота-онамнинг сўзларини, утигини эслатади...

Замонавий технологиялар билан яшаётган болаларни уйларига нима боғлаб турибди? Кўчада эса нима ўзига тортапти?! Хулоса эса ота-оналарнинг ўзидан!

Нафис Ҳамро

# “ЁШЛАР ВА ДИНЛАРАРО БАҒРИКЕНГЛИК”

Ёшлар – динлараро муносабатларни мустақамловчи кўприк: дин динга тош отмайди: Мансур ёнидаги шеригидан узр ва изн сўраб, пешин намозини ўқиш учун тезда таҳоратини одди-ю, ҳали қурилиши тугалланмаган бинонинг орқа томонидаги кичик боғ чеккасида одамлар серқатнов бўлмаган жойни танлади. Тиз чўкди. Қўйнидан жойнамозини чиқарди. Қўлда тасбеҳини доналаб санаган қўйи пешин намозини ўқий бошлади. Шу топда ўсмир болалар унинг устидан кулиб, ҳақоратлаб, ҳатто, тош ирғитишди.

Мансур намоздан чалғимади, уни ўқишда давом этди.

Болалар яна калака қила бошлади. “Баран!”, “Козёл!”, “Не встаёт с место!”

Шу топда Мансурнинг шериги Иброҳимнинг ҳолатга кўзи тушиб қолди. Тезда болаларнинг олдига борди-да, нималарнидир тушунтирган бўлди. Аввалига Иброҳимга ҳам сапчий бошлаган болалар кейин жиддий тортишди. Кўп фурсат ўтмай, бошларини сараклатганча, Иброҳим билан илиқ кайфиятда қўллашиб хайрлашишди.

Мансур намозини ўқиб тугатди. Дуога очик қафтларини юзига суриб, секин ўрнидан кўзгалди.

– Ранжимадингми, Мансур, бу юртининг болалари намоз ўқиган одамни кўрмаган бўлса керак, шунга кўнглингга олма!-далда берган бўлди Иброҳим.

Мансур хайрат билан Иброҳимга термулди. Иброҳим унинг кўзларидан “Нимани кўнглимга олмаслигим керак, тушунмадим?”-деган саволни англади.

Иброҳим Мансурга у намоз ўқиётган пайтида содир бўлган ҳолатни сўзлаб берди.

– Фикру хаёлим намозда эди, дўстим. Эътибор қилмабман, тўғрироғи, англамабман ҳам,-деди мийиғида кулиб.

Ҳа, оила, бола-чақа ташвишида мусофир юртда бир неча йилдан бери ишлаб келаётган Мансур намоз ўқиётган пайтда ҳақиқатан ҳам ҳеч қачон чалғимасди. Кўнгли ҳам, хаёли ҳам Аллоҳ билан банд бўларди. Иброҳим шундай инсон билан дўст тутиниб, ёнма-ён ишлаб келаётганидан ўзида фахр туйди.

Гоҳида ўз юртимизда ҳам бошқа дин вакилларининг диний маросим ёхуд анъаналарини намойиш этишяётганда, айрим ёшларнинг уларни масҳара қилишяётгани, турли ёқимсиз гап-сўзлар билан калака қилишга уришяётгани устидан тушиб қоламиз. Ёшларга тўғри танбех ва маслаҳат бериб, бошқа дин вакиллари билан ҳам ҳурмат қилишга чақирамиз.

Юқорида келтирилган воқеликдан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, қайси миллат ёки қайси дин боласи шўх, қайсар ёхуд эркатой бўлишмасин, тўғри тушунча ва

сабоқ, барибир, уларни мулоҳазага ва бундан кейин бошқа дин вакиллари ҳам қандай муносабатга бўлишга ҳаракат қилишади.

Зеро, динлараро бағрикенглик турли миллат ва элатга дахлдор кишиларнинг, турли хил диний эътиқодли инсонларнинг бир замин, ягона Ватан, бир юртда, бир ҳудудда олийжаноб гоё, орзу-умид, мақсад ва ниятлар йўлида ҳамкор, ҳамфикр ва ҳамжихат бўлиб яшашини англади. Бунга ёшлар онгига сингдириш эса ҳар биримизнинг бурчимиздир.

– Бухорода турли динларга эътиқод қўйган турли миллат ва элат вакиллари билан иборат кўпсонли ёшлар таълим олади ва яшайди.

Улар ўртасида бири-бирининг динига нисбатан камситиш ва изза қилиш мезонлари юзага келиб қолмаслиги, дунёнинг турли давлатларида содир бўлаётган диний низолар ва урушлар онгига захарламаглиги учун тарғибот ишлари олиб борилади. Унинг натижасида ёшларнинг қараш ва фикрлари, амаллари бошқа дин вакиллари билан нисбатан чексиз мурувват, маданият ва анъаналарига ҳурмат, ораларида яшайдиган ажнабийларга иборат кўрсатиш туйғуларини ошади, ижобийликка ўзгаради. Динлараро муносабатлар мустақамланади.

Ёшлар – динлараро муносабатларни мустақамловчи кўприқдир,-деди Халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши ҳузурдаги Жамоат фонди директори Зариф Комилов.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда



турли дин вакиллари билан ҳеч қандай тўсиқларсиз ўз динларига эътиқод қилишлари учун барча шароитлар яратилди. Фуқаролар ва ёшлар эътиқодларидан келиб чиққан ҳолда диний ташкилотларга бирлашиб, мустақил ҳуқуқий шахс сифатида фаолият юритиши, диний мутахассислар тайёрлашлари ва адабиётларни нашр этишлари, диний байрам ва маросимларини ўтказишлари, муқаддас жойларга зиёратлар ташкил этишлари кафолатланди.

Бироқ, дунёнинг қатор мамлакатларида этник ва диний асосдаги низолар кучайиб бораётгани ҳам бор гап. Узоқ-яқин турли ҳудудларда ташвишли воқеалар тобора кескинлашиб бораётган бир вазиятда юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни сақлаш, диний бағрикенглик ва ҳамкорлик гоёларини

келтириб, адоват ва мурасимликка олиб боровчи ҳар қандай йўлнинг пайини қирқиб муҳим аҳамият касб этмоқда. Айтиш жоизки, Ўзбекистон Журналистларини қайта тайёрлаш маркази ва “Search for Common Ground” халқаро нодавлат таълим ташкилотининг Ўзбекистон Республикасидаги филиали билан ҳамкорликда ўтказилаётган учрашув, давра суҳбати ҳамда семинар-тренинглар ҳам бутунги мураккаб бир даврда динлараро бағрикенгликнинг инсоният учун қанчалик улкан қийматга эга эканини аниқлаш учун жўшқин овоз бўлиб янграмоқда.

Айтиш жоизки, ёшлар ўртасида бағрикенгликка асосланган миллатлараро муомала маданиятини ривожлантиришда турли манзилларда мавжуд миллий маданий марказларнинг ўрни катта. Улар томонидан амалга оширилаётган ишлар нафақат, аҳоли, балки, турли дин вакиллари бўлган ёшлар ўртасида ҳам динлараро бағрикенгликнинг мустақамланишида туртки бўлмоқда.

– Ўзбекистонда динлараро бағрикенглик тамойиллари доимий эътибор марказида экани миллат ва элатларнинг бир мақсад, яъни тинчлик, оқилоллик ва фаровон ҳаёт гоёлари йўлида бирлаштиришга чорлайди. Бу ерда дин динга тош отмайди, дин динни камситмайди, дин динга диёнат кўрсатади, дин

динга ҳурматда бўлади. Исталган миллатнинг тили, дини, ирки ёки келиб чиқишидан қатъий назар, уларнинг бир оила фарзандларидек бир хил эътибор билан худди қош ва киприкдек эъзозланиши бизда миннатдорлик туйғуларини жўшқин қўймайди,-деди “Светлица Польска” Ўзбекистон поляк миллий маданий маркази Бухоро бўлими раҳбари Любовь Салькова.

Ўзбекистон Корея маданий марказлар ассоциацияси вилоят ҳудудий бўлини маси раҳбари Ли Родион Ўзбекистонда худди ўз она ватанидагидек эркин ва ҳавотирсиз яшаётганини билдиради.

– Биلاسизми, айниқса, Бухорода яшаётган корея ёшларининг ўзбек, рус, инглиз тилларида бурро сўзлашлари, худди шунингдек, ўзбек ёшларининг ҳам корея, рус, инглиз тилларида бир-бирлари билан бемалол мулоқот қилишяётгани кишида мамнуният уйғотади. Сизларнинг тилда айтишганидек, ҳар бир имконият учун, шарт-шароит учун шукрона келтирамиз. Шукр, шукр, шукр,-деди Ли Родион табассум ва илиқ меҳр билан.

“Офтоби Сўғдиён” тожик-форсий миллий маданий маркази раҳбари Рауф Аветов эса ёшларнинг динлараро бағрикенгликни янада мустақамлашга қаратилган янги гоё, ташаббусларини юзага чиқариш, улар билан турли мулоқот ва учрашувлар ўрнатилган орқали бошқа дин биродарларига ва барча инсонларга яхшилик, меҳр-мурувват қилишга чорлаш бутунги куннинг долзарб масаласи эканини билдиради.

Юқорида келтирилганимиз бир воқеликдагидек бир дин вакилининг бошқа дин вакилига тош отиши, калака ёки масҳара қилиши, диний удулларига нописанд қараш – оддийгина сўз билан айтганда, ёмонликдир. Яхшилик эса нур келтиради, ёмонлик зулмат, дейдилар. Одамларнинг одамларга, миллатларнинг миллатларга, юртларнинг юртларга яхшилиги кўёшга айлансин.

Миллатлараро ва давлатлараро тотувликни янада мустақамлаш, динлараро бағрикенгликка қаратилган янги гоё ва ташаббуслар яратиш – энг буюк қадриятга айлансин.



## Миржалол Муҳаммадов: Касбим орқали бошқаларга нафим тегаётганидан хурсандман!

Миржалол Муҳаммадов - айни дамда Ёшлар тумани “Инсон” ижтимоий хизматлари марказида ижтимоий хизматларни ташкиллаштириш бўйича мутахассис лавозимда ишлаб келмоқда.

2 ёшлигида йиқилиш натижасида бош мия жароҳатини олган. 2005 йилда оёғининг сон қисмида жароҳат амалиёти ўтказилган. Шунга қарамай, унда интилиш, ҳаракат, ўз устида ишлаш жуда кучли.

2018 йилда Бухоро давлат университетида грант асосида ўқишга қабул қилинган. У 2022 йилда



таҳсилни намунали тарзда тамомлади. Мутахассислиги бўйича қорхона ва ташкилотларга иш излаб бориб, кўп ҳолларда рад этилди. Кейин-

чалик эса, умумтаълим мактабига оз дарс соатлари билан ишга қабул қилинди.

Туманда “Инсон” ижтимоий хизматлари маркази ўз фаолиятини бошлагач, аҳоли билан ишлашга иштиёқи баланд Миржалол юзлаб номзодлар орасидан синовларни муваффақиятли топишиб, масъулиятли лавозимда иш бошлади. Ҳозирда касби орқали ижтимоий ҳимоята муҳтож аҳоли қатламга беминнат ёрдам бериб келмоқда.

Зарнигор Нафиддинова

Лайло

**MUASSIS :**  
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
YOSHLAR ISHLARI  
AGENTLIGINING BUXORO  
VILOYATI YOSHLAR ISHLARI  
BOSHQARMASI

**Bosh muharrir :**  
Laylo HAYITOVA

Gazeta Buxoro viloyati Matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan  
2017 yil 15 dekabrda 05-081 tartib raqami bilan ro'yxatga olingan.

**BOSH HANIKOR:**  
O‘zbekiston yoshlar ittifoqi  
Buxoro viloyati Kengashi

**TAHRIR HAY‘ATI:**  
Shavkat Rahmonov  
Mirali Hamroyev  
Jamol Nosirov  
Gulnora Samiyeva  
Mirshod Ochilov

**TAHRIRIYAT MANZILI:**  
Buxoro shahri, Alisher Navoiy  
ko‘chasi, 20-uy.

**TAHRIRIYAT HISOB-RAQAMI:**  
20210000404114165001 “Agrobank”  
Buxoro shahar filiali, MFO: 00089, OKONX:  
87100, STIR: 203590296  
Nashr ko‘rsatkichi: 3051



**SAHIFALOVCHI -  
DIZAYNER:**  
Xurshid Abdullayev

Gazeta “Buxoro bosmaxonasi” MCHJda  
1546 nusxada bosildi.

**Bosmaxona manzili:**  
Buxoro shahri, I. Mo‘minov ko‘chasi, 27-uy  
Tel: (0365)223-25-38

**Navbatchi muharrirlar:**  
Zulfizar Mavlonova  
Dilnavoz To‘xtayeva

Hajmi 2 bosma taboq. Qog‘oz bichimi A-3. -buyurtma.  
Topshirildi — 10:00. Chop elish vaqti: 11:00  
Bahosi kelishilgan narxda 18.03.2024 yil

www.buxoro-yoshlari.uz sayti orqali biz bilan birga bulin.